

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2012 йил, 6 июль • № 27 (892)

Саломатлик ҳафталиги: «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»

ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Этироф билан айтишимиз мумкинки, мустақиллигимиз шарофати билан республика тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати тўғри йўлга қўйилганлиги ва уларнинг саломатлиги борасида ўтказилаётган тадбирларнинг анъанага айланиб бораётганлиги халқимизнинг соғлиғига эътибори ҳамда тиббиётга ишончи ортаётганлигидан далолатдир. Ўтказилаётган "Саломатлик ҳафталиги" доирасидаги тадбирлар ораси-

да "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида кенг чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтган йили илк бор, яъни истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 207-сонли буйруғи асосида 2011 йилнинг 24-30 июль кунлари бўлиб ўтган эди. Бундан асосий мақсад, тизимда олиб борилаётган сай-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, халқимизга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳоли касалланиш кўрсаткичларини камайитиришдан иборатдир.

ётган тиббий кўрик жараёнлари билан танишар эканмиз, унда аҳолининг кўплиги ҳамда уларнинг соғлиқларига бўлган эътиборларини кўриб хурсанд бўлдик. Юқори Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасидаги замонавий туғруқ мажмуасида ташкил этилган тадбирда мазкур ва Паркент туманлари аҳолиси тиббий кўриқдан ўтаётганликларининг гувоҳи бўлиб, мутахассис ҳамда фуқаролар билан суҳбатлашдик.

раҳнамолигида тиббиёт тизимида туб ўзгаришлар бўлиб, мазкур йўналишда кўпгина амалий ишлар билан бир қаторда, изчил ислохотлар самарасида катта ютуқларга эришилмоқда. Бу жараёнда албатта, соғлом авлод баркамоллиги, она-бола муҳофазаси, соғлом оилани шакллантириш каби устувор вазифалар ётади. Шундай экан, бундай вазифалар биринчи навбатда тибби-



қизгинлик билан олиб борилмоқда. Унда ҳам республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар, илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасаларидан танлаб олинган етакчи олимлар иштирок этмоқдалар. Шу нарсаи қайд этиш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва вилоятларига вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари масъул ҳамда ишчи гуруҳларга тажрибали мутахассислар гуруҳ раҳбари этиб тайинланди.

Ўзига хос кўтаринки кайфият билан бошланган ушбу тадбирлар билан танишиш мақсадида, илк сафар хизматимизни Тошкент вилояти соғ-



Дарҳақиқат, ўтган йилги мазкур тиббий кўриқнинг самарали натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадбирда Республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва вилоятлар тиббиёт муассасалари мутахассислари аҳолини тиббий кўриқдан фаол ўтказишда иштирок этдилар. Унда 11 йўналишдаги (терапевт, хирург, травматолог, невропатолог, уролог, педиатр, офтальмолог, ЛОР, эндокринолог, кардиолог, УТТ мутахассислари) соҳа бўйича тиббиёт фанлари докторлари, профессор, доцент ва тажрибали шифокорлардан иборат жами 143 нафар мутахассислар жалб этилиб, уларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тегишли соҳаси бўйича 150 нафар бош мутахассислар бириктирилган эди. Шунини алоҳида таъкидлашимиз лозимки, бир ҳафта давомида республикамиз бўйича 101

минг 439 нафар фуқаро чуқур тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундай кенг аудиторияда ўтказилган тадбир ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бунда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарларининг ҳамкорликлари боис, тиббий кўриқдан кутилган натижалар ўз ифодасини топиб, аҳоли бундан мамнун бўлди. Жорий йилда ҳам мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 23 июндаги 161-сонли буйруғига асосан республикамиз миқёсида 1-8 июль кунлари "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик



лиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида олиб борилаётган фаолият жараёнларидан бошладик.

Тошкент вилояти бўйича Чирчиқ, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Зангиота, Қибрай, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманларида истиқомат қилаётган аҳолини республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз Назиров раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан ўтказила-

кўтаринки кайфиятда мутахассислар ҳузуридан чиқиб кетаётган ва келаётганларни кўрганимизда фаолиятлар янада изчиллик билан олиб борилаётганлигига амин бўлдик. Ичкарига кирганимизда мутахассислар қабулидаги аҳолининг гавжумлиги диққатимизни ўзига тортиди.

Гуруҳ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз Назиров билан суҳбатда бўлдик:

– Муҳтарам Президентимиз

ёт ходимлари зиммасига уланган масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, тизимдаги сай-ҳаракатларнинг манتيқий давоми сифатида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган тадбир тиббиётимизнинг асл моҳиятини ташкил этади десам, янглишмаган бўламан. Ўтган йили ҳам гуруҳимиз билан Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри, Пискент, Ангрен, Бекобод ва Олмалик туманларида бўлиб, аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказган эдик. Бу йилги тадбиримиз ўтган йилги ҳафталикка қараганда янада уюшқоқлик руҳида ўтаётганлиги, аҳолининг тиббий маълумот ҳамда ўз соғлиғига бўлган эътиборини кўриб, мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлида қилинаётган эзгу ишлар бесамар кетмаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Гуруҳимизда ўз касбининг етуқ мутахассислари ҳар бир фуқарони тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида билим ва малакаларини ишга солган ҳолда фаоллик билан иш олиб бормоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Саломатлик ҳафталиги: «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»

ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Шухрат МУХТАРОВ,
Республика ихтисослаштирилган
урология маркази директорининг
ўринбосари, профессор:



– Ўтказилаётган ҳафталик бежизга
«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қол-

масин!» деб номланмади. Ушбу тадбирга кам таъминланган оилалар, шифокор назоратидаги беморлар ва пенсионерлар кўпроқ жалб этилди. Ҳар бир бемор ўзида кечаётган касалликлар таснифи ҳамда даво муолажаларини вақтида қабул қилаётганлиги ва бунинг баробарида бирламчи бўғинда кўрсатилаётган тиббий хизматдан мамнун эканлигини айтди. Текширувлар натижасида фуқароларга айримларининг касалликларига қараб тавсия ва маслаҳатларимизни берган бўлсақ, сурункали хасталанганларга эса марказдаги клиникаларда диагностик текширувларни ўтказиш ҳамда даволаниш учун йўлланмалар ажратилди. Бундай кенг аудиторияда ўтказилаётган тадбирлар тез-тез ташкиллаштириб турилса, қанчадан-қанча касалликларнинг олди олиншига эришган бўла-

Бахтиёр ҒАҒУРОВ,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти неврология
кафедраси мудири, профессор:

– Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида ўтказилаётган мазкур тадбир халқимизнинг турмуш фаровонлиги ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, қабулимизга фуқаролар катта ишонч ва тетик руҳда келганлигини кўриб, мамнун бўлдим. Ҳар бир фуқарони синчковлик билан тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларни тинглашга ҳаракат қилдим. Мурожаат этаётганлар орасида бош ва бел оғриғи, шунингдек, болалардаги айрим, яъни ривожланишдан орқада қолиш, яхши гапира олмаслик, умуртқа погонасидаги полиартрит ҳамда наслий касалликларни кўриб, ота-она-



ларига керакли тавсияларни бердик. Ўтган йилгига қараганда, бу йўналишдаги касалликлар сони камайганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу албатта, ушбу вилоят, туман ҳамда бирламчи тизимдаги тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибаси ошганлигидан далолатдир.

Алима ШАЛПАНОВА,
Юқори Чирчиқ тумани,
Саксон ота қишлоғи:



– Авваламбор, биздек инсонларнинг саломатлигимизни ўйлаб, катта имконият яратётган Юртбошимизга, қола-

Турсуной БАЛАБЕКОВА,
Юқори Чирчиқ тумани:

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик хизматларидан баҳраманд бўлаётганимдан хурсандман. 3 ойлик фарзандимни марказдан келган



(Давоми. Боши 1-бетда).

верса, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигини билдираман. Мана бир неча йилдирки, бош оғриғи безовта қилар эди. Марказдан келган профессор Б. Ғафуров қабулида бўлганимда, улар касаллигим тўғрисида керакли маслаҳатлар бериб, даво муолажаларини ўз вақтида олишим муҳимлигини айтдилар. Бундан ташқари, соғлигимни УЗИ, ЭКГ ҳамда махсус флюорография хизмати машинасидаги замонавий аппаратураларда текширтирган бўлсам, терапевт, окулист, хирург ва уролог каби мутахассислар қабулида ҳам бўлдим. Энг асосийси, ушбу тиббий кўриқнинг бепуллиги ҳар биримиз учун катта қулайликлар яратган бўлса, малакали шифокор ва аппаратуралар ёрдамидаги тўғри ташхислардан кўнглимиз таскин топди.



тажрибали травматолог, доцент Орифхон Усмонхонов қабулига олиб кирганимда унда ортопедик ҳолатлар борлиги аниқланди. Малакали мутахассис қизимнинг оёғини массаж қилиш ҳамда физиотерапия муолажаларини ўз вақтида олишимиз муҳимлигини айтиб, керакли маслаҳатлар берди. Бундан ташқари, педиатр-врач, профессор Олтиной Камиловадан ҳам муҳим тавсияларни олдим.



– «Саломатлик ҳафталиги» Бухоро вилоятида ҳам қизғинлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, 2-3 июль кунлари вилоятнинг Қорақўл, Жондор ва Олот туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдик. Тадбир давомида 3 та тумандан келган фуқаролардан 638 нафари флюорография, 284 нафари рентген, 904 нафари қоннинг умумий анализи, 510 нафари сийдикнинг умумий анализи, 259 нафари биохимик таҳлиллар, 781 нафари УТТ ва 703 нафари эса ЭКГ текширувларидан ўтказилди. Бундан ташқари, 4 июль кун Бухоро, Ромитан ва Пешку туманларининг 1321 нафар фуқаролари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтдилар. Улар ҳам юқоридаги текширувлар бўйича ўз соғликлари тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлдилар. Тиббий кўрик натижасида Қорақўл, Жондор, Олот туманларида аниқланган касалликлар бўйича амбулатор даволаниш учун 2126 нафар фуқарога даволаш муолажалари буюрилди, 353 нафар фуқарога стационар даволаниш учун йўлланма берилди, жумладан, 68 нафар фуқаро пойтахтимиздаги илмий-текшириш институт ва клиникаларига тавсия этилди.



Текширувлар натижасида шунга амин бўлдимки, вилоятдаги мутахассисларнинг билим ва тажрибаси жуда яхши, шунингдек, кўрик давомида тиббиёт му-



Кўриқнинг дастлабки иш куни Пахтакор тумани марказий шифохонасида бошланди. Бу ерда Тошкентдан келган юқори малакали тиббий мутахассислар вилоят, туман соғлиқни сақлаш муассасаларининг етакчи ходимлари билан биргаликда беморларни кўриқдан ўтказди. Худуд аҳолисининг жойлашуви, транспорт қатнови ва бошқа қулайликлар ҳисобга олиниб, Зафаробод, Жиззах туманларида истиқомат қилувчи беморларни ҳам шу ерда кўриқдан ўтказиш ташкил этилди.

– Туманлар тиббиёт муассасаларида яратилган замонавий шарт-шароитлар самарали иш олиб боришимиз учун қулай имконият яратмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази профессори М.

Бухоро вилояти

ассасалари мутахассислари ҳамда Бухоро Давлат тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этдилар, – дейди гуруҳ раҳбари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази педиатри, тиббиёт фанлари доктори Инобат Аҳмедова.

Лайло ҲОЖИЕВА,
Зилола ХУДОЙҚУЛОВА,
Қорақўл ва Олот туманлари:

– Пойтахтимиздан келган тажрибали ва ўз касбининг мутахассиси офтальмолог-шифокор Ботир Бузруков қабулида бўлганимизда кўз соҳамиздаги касал-



ликлардан хабар топдик. Шунингдек, кўз касалликлари бўйича чуқур маълумотларга эга бўлдик. Айниқса, уларнинг муомала маданияти ва касаллиқни тўғри тушунтиришлари соғлигимизга бўлган эътиборни янада оширдик.

Нозима ҲАМРОЕВА,
Мавлуда НИЁЗОВА,

Қорақўл ва Олот туманлари:

– Тошкент тиббиёт академиясининг тиббиёт фанлари доктори Феруза Азизова қабулида бўлганимизда тажрибали шифокор қандли диабет ҳамда буқоқ касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш тўғрисида кенг маълумот бердилар. Бундан ташқари, бизда кечаётган буқоқ касаллигининг оғир асоратлари, бунинг учун вақтида даволаниш ҳамда шифокор тавсияларига амал қилишимиз зарурлигини айтдилар. Биздек фуқароларнинг саломатлигини ўйлаб, ана шундай тадбирларни ўтказётган Соғлиқни сақлаш вазири А. Икромовга ва вилоятимиз ташкилотчиларига раҳматлар айтамыз.

Жиззах вилояти

Пирназаров. – Айниқса, аҳолининг фаоллиги ва тиббий кўриқ улар ҳаётида нечоғлиқ муҳим эканлиги кўриниб турибди.

Кўриқ давомида болалар ва аёллар, марказий тиббиёт муассасаларига бориш имконияти чекланган беморларга асосий эътибор қаратилиб, улар соғлиги малакали мутахассислар томонидан чуқур кўриқдан ўтказилди.

– Соғлиқни сақлаш иншоотларининг тўлиқ янгиланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминлангани, мутахассисларнинг билим ва малакалари оширилгани, шубҳасиз, давлатимизнинг бу соҳага катта эътибор бераётгани натижасидир, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги **Пўлат Бобоев.** – Тиббий муассасаларнинг моддий-техник базаси ва таъминотини мустаҳкамлаш, уларда даволаш ишларини ҳозирги замон талаблари асосида йўлга қўйиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, бундай юқори савиядаги тадбирлар тизимдаги фаолиятлар самарадорлигини янада оширади.

(Давоми 3-бетда).

Саломатлик ҳафталиги: «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!»

ТИББИЁТ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Фарғона вилояти

– Истиқлолимизнинг 21 йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, муносиб ютуқлар билан кутиб олиш, олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолига сифатли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, улар орасидаги касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 18 июндаги 845-сонли фармойишини бажариш мақсадида ташкил этилган



«Саломатлик ҳафталиги» доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остидаги тадбир аҳолининг тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган ҳурмат ва ишончини янада оширди десам, янглишмайман. Тўрт кун давомида Қўштепа, Ёзёвон, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон ва Фурқат номли туманларда бўлиб, аҳоли саломатлигини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдамиз. Унда ҳомиладор аёллар, болалар, ногирон ва уй шароитида ётиб қолган беморлар ҳамда пен-



сионерлар саломатлигини УТГ, рентген, ЭКГ, эндоскопия аппаратларидан ўтказдик, шунингдек, уролог, терапевт, эндокринолог, офтальмолог ва невропатолог каби мутахассислар томонидан чуқур текширилиб, айрим сурункали касалликлар билан хасталанган беморларга пойтахтимиздаги клиникаларга даволаниш йўлланмалари берилди. Шу нарса маълум бўлдики, кўп қисмида касалликлар кўрсаткичи камайган. Бунинг сабаби аҳоли орасида тарғибот иши кучайтирилганлиги ва жойлардаги мутахассислар малакаси ошганлигидан далолатдир, – дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори, гуруҳ раҳбари Машкура Зоҳидова.



Сирдарё вилояти

берилди, – дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, профессор, гуруҳ раҳбари Равшан Курбонов.

Шоҳайдар ШОТУРСУНОВ, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти вертебрология бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори: – Ўтказилган тадбир давомида ҳар бир тумандан кунига 100 дан ортиқ фуқарони чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдик. Болалар орасида таянч ҳаракати тизими касалликлари, яъни жароҳат олган, туғма сон чиқиши, сколиоз, туғма аномалия, жароҳат асоратлари каби ҳолатларнинг борлиги аниқланди ва ота-оналарга керакли маслаҳатлар берилиб, айримлари марказда диагностика текширувлар ўтказиш учун йўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, муҳимки, вилоятдаги мутахассисларнинг малакаси ҳам етарли даражада. Фаолиятларни биргаликда олиб бораётганимиз боис, ҳамкасбларимиз билан фикр алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик.



(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Қорақалпоғистон Республикаси

– Мамлакатимизда ўтказилаётган «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги оммавий тадбирнинг моҳияти қанчалик чуқур эканлигини 2011 йил ўтказилган тадбир натижаларида ҳам кўрган эдик. Жорий йилдаги тадбир уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги аҳолининг фаол иштирокидан кўриниб турибди. Пойтахтимиздан жалб этилган мала-



кали мутахассислар фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда астойдил хизмат қилмоқдалар. 1-5 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Қўнғирот, Қораўзақ туманларида 11 йўналиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан Беруний ва Қўнғирот туманларида иккинчи кун давомида 4652 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Айниқса, юрак томир, нафас олиш, марказий нерв, овқат ҳазм қилиш, суяк-мушак тизимлари, буйрак ва сийдик чиқариш йўли, ЛОР, эндокрин, хирургик ҳамда ижтимоий касалликлар бўйича текширувлар ўтказилиб, амбулатор шароитида 3426 нафар, стационар шароитида 573 нафар, айрим касалликлар бўйича жойларда 145 нафар ҳамда пойтахтимиздаги илмий-текшириш институтларига 50 нафар беморлар даволаниш ва диагностика текширувларга тавсия қилинди. Бундан ташқари, 148 нафар фуқарога муҳим тавсиялар берилди, – дейди биз бўлган суҳбатда Республика ихтисослаштирилган алерголого-



гия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Озод Назаров.

Пардагул АРТИКИЕВА, пенсионер, Беруний тумани:

– Бир неча йиллардан буён гипертония касаллиги билан хасталаниб келаман. Доимий врачлар назоратидаман. Ушбу тадбирнинг бошланганлиги шахсан мен учун ҳам қулайликлар яратди. Сабаби, барча текширувлар бепул, айниқса УЗИ, рентген, ЭКГ, эндоскопия аппаратларида ўз соғлигимни текширтиргач, кўнглим хотиржам бўлди. Бундан ташқари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидан келган тиббиёт фанлари доктори, кардиолог Гавҳар Тулебаева қабулида бўлганимда қон босими касаллиги тўғрисида, шунингдек, вақтида врач тав-



сияларига амал қилган ҳолда соғлигим учун қайғуришим муҳим эканлигини айтиб ўтди. ЭКГ аппаратида тушганимда ҳам юрагимда маълум бир ўзгаришлар борлиги аниқланди. Бунинг учун ҳам тажрибали шифокордан керакли тавсияларни олдим.

Фарида ЖУМАМУРОВА, пенсионер, Беруний тумани:

– Пиелонефрит касаллиги анчадан буён безовта қилади. Туманимиздаги шифокорларнинг тавсияси билан бир неча бор даволандим. Юқорида таъкидланган тадбирни эшитиб, саломатлигимни кўриқдан ўтказиш учун келдим. Касаллигим бўйича Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг урология бўлими асистенти қабулида бўлиб, касаллигим тўғрисида чуқур маълумот олдим. Бундан ташқари, невропатолог, терапевт, ЛОР, офтальмолог каби мутахассислар



кўригидан ҳам ўтдим. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази тажрибали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Дилшод Абдуназаровдан ҳам кўзим учун тегишли маслаҳатларни олдим. Бир сўз билан айтганда олисдан вақтини аямасдан қорақалпоқ аҳли саломатлигини муҳофаза қилишга келган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Дилшод АБДУНАЗАРОВ, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази шифокори, тиббиёт фанлари доктори:

– Қабулимга келаётган ҳар бир беморни синчковлик ва ҳушёрлик билан кўриқдан ўтказяпман. Кўпчиликда катаракта ва глаукома касалликлари борлигини аниқладим. Айниқса, аҳолининг кўпчилиги қисми ўз вақтида мутахассисларга мурожаат қилмаганлари боис, айримларида касалликнинг ўтиб кетганлиги аниқланди. Мутахассис кетганда кўриққа келган аҳолига аниқланган тахислар ҳамда касалликнинг олдини олиш бўйича керакли маслаҳат ва даволаниш учун амбулатор, стационар, шунингдек, пойтахтимиздаги етакчи клиникаларга йўлланмалар бердим. Аввало бизларни самимий кутиб олган ҳамда ушбу кўриқни уюшқоқлик билан ўтказишда керакли шароитларни яратиб берган Қорақалпоғистон Республикаси аҳолига ишчи гуруҳимиз номидан чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

(Давоми 4-бетда).

Саломатлик ҳафталиги:

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»

ТИББИЁТ ИМКОНИАТЛАРИДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этиб келинаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ўтказилаётган тадбир аҳолининг соғлиги ҳамда тиббиётга бўлган ишончини янада орттириб келмоқда. Шу жумладан, Сурхондарё вилоят аҳолиси ҳам бу тадбирдан ниҳоятда мамнун бўлмоқда. Денов шаҳар 1-сон катталар поликлиникасида 2-3 июль кунлари пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профес-



паратларида юрак, ўпка, жигар ва буйракларимни текширдим, шунингдек, ЛОР, офтальмолог, хирург, невропатолог, эндокринолог каби мутахассислар қабулида ҳам бўлдим. Айниқса, уларнинг билими, муомала маданияти ва камтарликлари кайфиятимни кўтарди. Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятимиздаги барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

– Пойтахтимиздан келган юқори малакали мутахассислар ва вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Денов туман тиббиёт бирлашмаси бош мутахассислари иштирокида 2-3 июль кунлари Денов, Сарийосиё, Узун, Шўрчи, Олтинсой туманларидаги 1236 нафар беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу даврда 652 нафар беморда параклиник таҳлиллар олиб борилди. Улардан рентген текшируви – 82, флюорограмма – 264, клиник лаборатория текшируви – 78, биохимик лаборатория тек-



сор Анис Лютфуллаевич Аляви раҳбарлигида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари (профессор, доцент, фан номзодлари) ва юқори малакали шифокорлари иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди.

– Мазкур тадбир борасида вилоятда мутахассислар қабули учун кенг шароитлар яратилган бўлиб, мурожаат этувчиларнинг сони ниҳоятда кўп. Гуруҳимиз мутахассислари аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида бор билим ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда касаллик тарихига қараб, даво муолажалари, тавсия ва маслаҳатларини беришмоқда. Албатта, ушбу ҳафталик кенг тарзда қамраб олинган. Асосийси, беморларга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда, касалликларнинг олдини олишга ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз. Йилдан-йилга омалашаётган бундай тадбир аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этишига ишончим комил, – дейди Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Анис Лютфуллаевич Аляви.

Адҳам ҲАМИДОВ,
пенсионер, Денов тумани:
– Бел соҳамдаги оғриқ йилдан-йилга зўрайиб, безовталана бошладим. Вилоятимиз шифокорларидан керакли муолажаларни олиб, аҳолида бир оз бўлсада, ўзгариш сездим. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти неврология кафедраси мудири, профессори А. Шайхов касаллик тарихимни аниқлагач, вилоятимиздаги замонавий, яъни томография аппаратида бел соҳамни кўришни тавсия этди ва керакли маслаҳатларни берди. Бундан ташқари, УЗИ, ЭКГ, рентгенография ап-



шируви – 92, ЭКГ – 104, эндоскопия текшируви – 32 нафар фуқарони ташкил этди. Тиббий кўрикдан ўтган 26 нафар беморга Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказларига ва 58 нафар беморга вилоят тиббий марказларига йўлланмалар, шунингдек, қолган беморларга жойларда туман тиббиёт марказлари бўлимлари ҳамда амбулатория, поликлиника шароитларида даволаниш учун тавсиялар берилди. Тадбир давомида барча туманлар ҳокимлигидаги маҳалла раислари ва маслаҳатчилари, хотин-қизлар кўмитаси раислари, туман «Камолот» ЁИХ фаоллари иштирокида ишчи гуруҳ мутахассислари ҳамда туман шифокорлари билан учрашувлар ўтказилди. Профессор ва етакчи мутахассислар тавсияларини олган бемор ва ногиронлар давлатимиз раҳбари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Икрамовнинг аҳоли саломатлигига қаратган эътибор ва ғамхўрлигиндан мамнун бўлиб, самимий миннатдорчиликларини билдирдилар, – дейди Денов туман «Саломатлик маркази» директори И. Худойназаров.

Азиз муштарийлар! Сиз оммавий тарздаги «Саломатлик ҳафталиги» доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ўтказилаётган тадбирнинг 1-4 июлгача бўлган жараёнлари билан танишдингиз. Газетамизнинг келгуси сонидан тадбирнинг давоми ва якуний хулосалари бўйича аниқ маълумотларга эга бўласиз.

Шу ўринда таҳририят юқорида номлари келтирилган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг масъул ходимлари томонидан берилган тезкор ахборотлар учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

(Давоми. Боши 1-3-бетларда).

1-4-саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

Ислоҳот ва жараён

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар бир соҳада улкан ўзгаришлар бўлиб, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлида самарали фаолиятлар амалга оширилиб, бу борада ютуқли натижаларга эришилди. Мазкур давр ичида тиббиётни ислоҳ қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, фаолиятини тўғри ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Юртбошимиз томонидан бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Таъкидлаш муҳимки, соҳага оид ҳар бир қарор замирида инсонлар саломатлиги ётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 30 мартдаги 85-сонли буйруғига асосан, 2012-2015 йилларда «Онкология хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида»ги дастур ишлаб чиқилди.

МАҚСАДИМИЗ: АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1652-сонли Қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳамда республика тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида мазкур буйруқ ишлаб чиқилган.

Ушбу буйруқнинг мазмун-моҳияти саратон касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари аҳолининг шу касаллик ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу борада Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жойлардаги филиаллари, туман ва шаҳар саломатлик марказлари, даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳамда умумий амалиёт шифокорлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Дастурга асосан онкологик касалликларни эрта аниқлаш, уларга тўғри ташхис қўйиш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда даволаш муолажалари белгилаб қўйилган. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда эркаларда ўпка саратони, аёлларда эса кўкрак беши саратони кўпроқ қайд этилмоқда.

Ўсма касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

* бирламчи профилактикаси: чекишга қарши кураш, овқатланишга эътибор бериш (ёғ миқдорини камайтириб, кўпроқ мева, сабзавот ва клетчаткага бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш);

* куёш нурида бўлишни чегаралаш, кимёвий концентратлар билан ишлаганда заҳарланишнинг олдини олиш чора-тадбирларига эътиборли бўлиш (маҳсус кийим-бошларда ишлаш), В гепатитига қарши эмлашни ўз вақтида ўтказиш;

* иккиламчи профилактикаси – эрта ташхислаш: мазкур касаллик билан оғриган беморлар бир йилда бир марта ўпка ракиннинг олдини олиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтишлари лозим (рентгеноскопия ёки рентгенография);

* сут безларини текшириш: аёл ҳар ойда кўзгуга қараб сут безларини ўзи

пайпаслаб кўриши лозим. 40-50 ёшдаги аёллар эса бир йилда бир марта маммография текширувидан ўтса, мақсадга мувофиқдир.

Мазкур касалликнинг олдини олишда овқатланишга катта эътибор бериш, кўпроқ мева-сабзавотлар истеъмол қилиш керак. Дудланган, шўр, аччиқ таомлардан ўзини тийган маъқул.

Кўкрак беши, ўпка ва ичак раки касалликларининг олдини олишда таркибида бетакротинлар мавжуд: қарама, ошқовоқ, сабзи, қизил ва кўк болғар қалампир, помидор, соя, балиқ, ёнғоқ, укроп, петрушка, сельдерей, лимон, апельсин, мандарин, шафтоли, қовун каби озиқ-овқат ва сабзавотлар муҳим ўрин тутди.

Тиббиёт ходимларидан беморга ташхис қўйишда катта эҳтиёткорлик талаб этилади. Аниқ лаборатория ва рентген текширувлари чиқмагунча, саратон касаллиги билан оғриганлиги ҳақида ўзи ва қариндошларига айтилмайди. Чунки бу маълумот беморнинг руҳий ҳолатига қаттиқ таъсир қилиб, касаллик авж олиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шифокор беморда бирор оғир ҳолатни аниқ белгилаган ҳолдагина, ўзи ва оила аъзоларига вазиятни ётиги билан тушунтириб, қўшимча текширувлардан ўтказиш лозимлигини айтиши зарур. Фақат якуний таҳлиллар асосида ташхис аниқлансагина, беморга албатта тузалиб кетиши кераклигини айтиб, оила аъзоларига эса касаллик оқибатларидан келиб чиқадиган сабабларни тушунтириб ўтиши лозим.

Шуни таъкидлаш зарурки, онкология йўналишида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳар бир бемор билан яхши муносабатда бўлиб, унинг кайфиятини кўтарган ҳолда, тузалиб кетишига ишонч уйғотишлари муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир касалликнинг олдини олиш аввало ўзимизга боғлиқ эканлиги ва саломатлигимизга доим эътиборда бўлишимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чиқарилаётган ҳар бир қонун, қарор, буйруқ замирида инсонлар соғлигини мустаҳкамлашдек эзгу гоё ётади. Шундай экан, мазкур буйруқ ижросини бажариш биргина тиббиёт ходимлари зиммасида эмас, балки кенг жамоатчиликдан ҳам катта масъулият талаб қилади. Хулоса шуки, касалликларнинг олдини олиш борасида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.

Депутат минбари

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг сифат ва миқдорий таркиби ўзгаришида табиий ифлослантирувчи манбалар билан бир қаторда антропоген омиллар, яъни инсон фаолияти натижасида юзага келадиган таъсирлар ҳам муҳим ўрин тутди. Атмосферанинг юқори қатламларидаги қисқа тўлқинли ультрабинафша нурланишдан биологик ҳаётни ҳимоя қилувчи озон қатламининг бузилиши, атмосфера таркибининг антропоген ўзгаришлари билан боғлиқ. Ҳозирги кунда йилга дунёда турли ёқилгиларнинг ёқилиши туфайли 10 миллиард тоннадан ортиқ кислород сарфланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи 30 дан ортиқ қонун ва 350 дан ортиқ қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган бўлса, 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Монреаль протоколига Лондон ва Копенгаген ўзгаришлари ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2006 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига тузатмаларни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги ва "Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколига тузатмаларни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунлари имзоланди.

Ўзбекистонда амал қилаётган табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар бутун мамлакат ҳудудида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш каби тадбирлар бажарилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Барчамизга маълумки, атроф-муҳитнинг бир қисми бўлган атмосфера ҳавоси, яъни ер шарини ўраб олган бир неча хил газлардан иборат бўлган

ҳаво қатлами, тирик мавжудот ҳамда бошқа табиат бойликларининг мутаносиблигини таъминловчи, қолаверса, инсоният ва мавжудотларга ҳаёт бахш этувчи табиий манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ўзининг хусусияти билан бошқа табиат объектларидан ажралиб туради. Атмосфера ҳавоси таркибида бир қанча газлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосини азот (78,1%), кислород (20,9%), аргон (0,9%), карбонат ангидрид (0,03%), неон, гелий, водород, метан, криптон, ксенон, озон ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг мақсад ва вазифалари асосан, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш, атмосфера ҳавосига кимёвий, физик, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ва камайтириш, шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоатчилик бирлашмалари ва фуқаролар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдан иборатдир. Мазкур қонун қабул қилингандан сўнг, республикада атмосфера ҳавосига салбий таъсирни камайтириш бўйича кўрилган амалий чоралар натижасида ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори кескин даражада камайтиди, атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичлари эса тобора яхшиланиб бормоқда.

Ушбу қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганиш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан жо-

рий йилнинг апрель-май ойларида "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9- ва 18-моддалари талаблари бажарилиши юзасидан Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари мисолида назорат-таҳлил фаолияти ўрганилди. Шу муносабат билан 22 июнь куни Қарши шаҳрида кўмитанинг мазкур масалага бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9- ва 18-моддалари талаблари ижроси таҳлил қилиниб, Қонун нормаларида кўзда тутилган атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари, кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи ёки улардан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларнинг мазкур жараёндаги фаолияти, уларни назорат қилиш усуллари ва экологик-токсикологик паспортлар ишлаб чиқиши, ишлатилиши тақиқланган ёки ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш ишларининг амалдаги ҳолати, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси, уларнинг ўсиши тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳома этилди.

Назорат-таҳлилда таъкидланишича, ўрганилган вилоятларда қонуннинг 9-моддаси, яъни атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини таъминлаш бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилмаган. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан мазкур нормани ижро этиш механизми яратилмагани ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилмаганида яққол намоён бўлади.

Шу билан бирга, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаблари ижросини таъминлаш юзасидан кўпгина амалий ишлар бажарилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, кимёвий моддалар, ўсимликларни ҳимоя қилиш

воситалари, минерал ўғит ва бошқа моддалар фақат ердан туриб ишлатилишига йўл қўйилган. Қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий моддалар билан ишлов бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилган.

Ушбу вилоятларда ҳам қонун талабларининг бажарилиши юзасидан қатор камчиликлар борлиги далиллар асосида кўрсатиб ўтилди, жумладан:

– амалда мазкур нормани ижро этиш механизми яратилмаганлиги боис, республика бўйича, айниқса, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида қонуннинг 9-моддасини таъминлаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган;

– атмосфера ҳавосидан фойдаланиш тартибга солиш ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ундан фойдаланиш бўйича рухсатномалар берилмаган ва ташкилий тадбирлар ўтказилмаган;

– корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан атмосфера ҳавоси ҳажмининг давлат ҳисоби юритилиши йўлга қўйилмаган, назорат ва мониторинг ишлари олиб борилмаган ҳамда қонунчилик талаблари бузилиши ўрганилмаган;

– ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативлари бузилиши натижасида тўхтатилган ва тақиқланган фаолиятлар қайд этилмаган ҳамда компенсацион тўлов чоралари қўлланилмаган;

– «Қишлоқхўжалиқимё» ОАЖ заҳарли химикатларни сақлаш омборхоналаридаги дефолиантлар сақлашга мўлжалланган айрим омборхоналар учун санитария паспортлари ишлаб чиқилмаган;

– кимёвий моддалар ишлаб чиқарадиган ва улардан фойдаланадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан атмосферага зарарли таъсир кўрсатувчи моддаларнинг экологик-токсикологик паспортлари юритилиши йўлга қўйилмаган, жумладан, «Қишлоқхўжалиқимё» ОАЖ ва унинг филиалларида эколо-

гик-токсикологик паспортлар ишлаб чиқилмаган, шунингдек, мазкур жамият томонидан заҳарли кимёвий моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги концентрациясини аниқлаш мақсадида лаборатория таҳлиллари ўтказилмаган;

– кўрсатиб ўтилган фаолиятларни тартибга солиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан юқори ташкилотларга тақлифлар киритилмаган.

Йиғилиш якунида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, фаолиятларни тўғри мувофиқлаштириш ҳамда "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзкимёсаноат" ДАК, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари, «Қишлоқхўжалиқимё» ОАЖ ва ўсимликларни химоя қилиш марказларига зарур тавсиялар берилди ҳамда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан амалдаги қонунни такомиллаштириш, 9-модданинг ижро механизмининг яратилиши ва қонундаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирish мақсадида амалий тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз ўрнида Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимликлар, ташкилот ва корхоналар вакиллари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритсалар, ўйлаймизки, қонун устуворлигини таъминлашда амалий натижаларга эришган бўлар эдик.

**Тоҳир ТОШБОВЕВ,
Шоира ХАЙДРОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатаси
депутатлари, Экология
ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
масалалари
кўмитаси аъзолари.**

Янги ўқув қўлланмалари

ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИГИ

Маълумки, кимё табиий-илмий, фундаментал фанлардан бири бўлиб, замонавий фармацевтлар тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди.

